

ТЎЛАН НИЗОМ


ИФТИХОР



Шеърлар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

У32
Н 57



© Гафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1981

БАҲОР ЯҚИН

*Онам Ўғилбуви Соҳиб
қизининг ёрқин хотирасига
бағишлайман.*

Деразамдан қиш кўркшип этар намойиш,
У чўзилб жонга тегди, бўлди кўп ташвиш.
Чилла чиқиб, совуққа ҳам оз кун қолганимиз.
Фурсат етсин, кетсин дейман бу қаҳратон қиш,
Юрагимдан сизиб чиқар ажиб соғиниш:
«Баҳор яқин, баҳор яқин, гулбаҳор яқин!»

Баланд-баланд теракларининг шохлари шийдам, .
Оқ рўмолини каминлардек турар тоғлар ҳам,
Ризқ ахтарар том бошида қор титиб қушчам;
Уйда туриб совуқ сезар нигоҳим, дийдам,
Олам узра яшилликни қўмсайман шу дам:
«Баҳор яқин, баҳор яқин, гулбаҳор яқин!»

Кўк гумбази бамисоли чеки йўқ элак,
Борлиқ узра қор қўнади гўё капалак.
Қорбобога кийдиришиб қордан оқ ятак,
Шўх болалар ҳовли тўлиб ўйнар яхмалак,
Болалигим ёдга тушар, дўстларим, демак:
«Баҳор яқин, баҳор яқин, гулбаҳор яқин!»

Эрта, дейман, қишга офтоб тиги санчилар,
Поввот қандай музлар эриб ерга томчилар,

Меҳнат элин, шараф элин севиб қанчалар,
Ўйнаб келар қалдирғочлар — у кўкламчилар,
Ғазал айтсин, дoston битсин бор қаламчилар:
«Баҳор яқин, баҳор яқин, гулбаҳор яқин!»

Далаларга шиддат солиб кела қол, баҳор,
Қалбдан сенга кўп ташнаман, қуёшли дийдор,
Бу дунёда юртлар ичра тенги йўқ диёр —
Ял-ял ёнсин Ўзбекистон — гулзор, чаманзор!
Ҳайқир энди, эй табнат, эй сен ишвакор:
«Баҳор яқин, баҳор яқин, гулбаҳор яқин!»

Денгиз бўйидаги гул хиёбонда
Сўзлашдим кекса бир онажон билан.
Ул ўзи гап очди бизнинг томондан:

— Тошкент жойидами, ободми, ўғлим,
Пахта экаптимми танти ўзбеклар?
Ул ердан ажралмас сира ҳам кўнглим.

Ев босди, шаҳримга келди қаро кун —
Жўнатдилар бизни Тошкентга.
Бағрига сиғдирди тул хотини — Унсин.

Ризқ-рўзни ўртада кўрдик биз баҳам,
Икки гўдагимни қилдик тарбия.
Жангда экан унинг уч ўғлони ҳам.

Уч ботир жангчини кутдик интизор,
Улар қурбон бўлмиш Сапун горада...
Унсин айрилиқда бўлди хокисор.

Иккимиз тушларни улардик тонгга,
Унсинхон ўргатди гилам тўқишни.
Совғаю саломлар юбординк жангга.

Уруш ҳам тугади, шахримга қайтдим.
Севастополь бўлмиш буткул вайрона.
Усини оқибатини ҳаммага айтдим.

Йиллар кўп ўтмади, тикланди шахрим,
Мамлакат яшнади озод, фаровон.
Мен ўзим шундаман, Тошкентда меҳрим.

Усини мардларига қўйилди ҳайкал,
Азиз тупроғимда яшайди улар.
Гул билан зиёрат қиламан ҳар гал.

... Бўлганда Тошкентда элзизла, офат
Усини жигаримни ўйладим минг бор.
Пенсия пулимни юбордим фақат.

Дугонамдан олган касбимни қилдим:
Ленин сурагини тикдим гиламга!
Дўстлигини ўргатган Ленин деб, билдим!

Ва сурат остига шундай сўз битдим:
«Урушни хоқламас Усини — Мария!»
Мен ўзбек қизига айланиб кетдим!

ЭРТАКЛАРИМ — ШЕЪРИМ, КУЙЛАРИМ!

Яралгандан сирли мавжудот,
Армон билан ўтар одамзот!
Бўлсам дейман армонларга ёт!
Инъом этди отам гул ҳаёт —
Эртақларим, нурли куйларим!

Навбаҳорнинг тонг палласи — сен!
Чаманларнинг зар лавҳаси — сен!
Дарёларнинг замзамаси — сен!
Кулгуларнинг янгроқ саси — сен!
Эртақларим, ошнқ куйларим!

Тилларингда боғлар шивирин,
Ҳар куртакнинг очилмоқ сирин,
Ариқчада сувнинг жилдири,
Сувнинг елда елдири, елдири, —
Эртақларим, позли куйларим!

Шеърим, бўлма юракка эрмак!
Постда ишчи бўлмағнинг керак!
Курашларга отлан, кер кўкрак!
Меҳринг — булоқ! Қаҳринг — замбарак!
Эртақларим, эркин куйларим!

Бу майдонга кирмадим бирров!
Чироғим ҳам ўчмайди дарров!
Йўлларимда ҳеч бўлмагай ғов!
Сен ҳамиша довқалб, шерўмров, —
Эртакларим, менинг куйларим!

Шу тупроқда кўз очдим мен ҳам,
Мапғлайимни силар замонам!
Қўлларимга тутқазди қалам —
Ўзбекистон — меҳрибон онам!
Эртакларим, шеърим, куйларим!!

Қайсар тұлқин тиним билмайди,
Тўғон узра ўқдай урилар.
Урилару харсанг юзида
Симоб каби томчилар қолар.

Янчилади,
Янчилади сув,
Гижинглайди тағин тулпордай.
Яна тошдан тошга санчир у,
Гуё тошда аламин бордай.

Оппоқ ёлми аждаҳо каби
Ўшқиради тоқатлари тоқ.
Сўнг тиничийди, нима ҳам қилсин,
Ер-ку қаттиқ,
Осмон ҳам йироқ!

Олис бир Ватанда шоир бағри хун
Дард чекиб ётибди, қийнар ғам-ҳижрон.
Кунчиқар, кунботар, дамлар кўп узун,
Ёнида болалик — у олис даврон.

Бозор ёнбошлар парқув болишга,
Бармоқлар оҳиста тебратар қалам.
Мисралар тушадн ҳасрат, полишга,
Вужудин босади оғир ўй, алам.

«Жангу жадалларда ўтднн умрим,
Шамширим жар солдн бутун оламга.
Қаламдан қўйилди қалбағи нурим,
Не хизмат айладим, Юртим—Онамга?

Оқибат, илк бора бугун бўзландим,
Мусофир элларда дилга қон тўлди.
«Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетай, не юз қаролиғ бўлди?»

Ва шоир қўзғалиб тик турдн бир бор,
Кўп қаттиқ тикилди шамга, чироққа.

Сўнг маъюс термилди интиқ, интизор —
Андижон тарафга, узоқ-узоққа.

Энди қарамасди бевафо дунё,
Дунёдан кўз юмди, йиқилди ногоҳ!
Шул замон жаҳонга тарқалди нидо:
«Бобир ғарибликда шод ўлмади, оҳ!»

БҰЗДАН САЛОМ...

Салом Бұздан, гулбаҳорнинг
Бпринчи Кунн!
Салом Бұздан, яшилликнинг
аввали, боши!
Қўнглим яйраб, вужудимда
фараҳ тўлқини,
Ахир, битди, қаҳри қаттиқ
қишнинг бардоши!

Салом сенга, очилмоқни
пстаган куртак!
Умринг сенинг яшноқ бўлсин,
ярқироқ бўлсин!
Қўз очмоғинг, туғилмоғинг,
қутлуғ, муборак!
Орзуларинг мева берсин,
зар япроқ бўлсин!

Салом сенга, тоғ бағрида
иниш урган тола!
Қўлларимда ўйнай қолгин
бўлиб олтин жом!

Сени излаб чўққилардан
 келур шалола,
Тошдан-тошга сакраб чопар
 билмасдан ором!

Салом сенга, бугун тонгда
экилган ниҳол!
Илдиэларнинг бўлсин маҳкам,
тоза, бегубор.
Бўрон, дўлга бардош айла,
бўлмагнн увол...
Саратонда йўл узра тур
бўлиб соядор!

Салом сенга, тупроққа плк
ташланган уруг!
Униб чиққил, яшнаб чиққил,
эркин-эркин, ўс!
Бошоқлардан бошинг узра
кўтаргил-у туг,
Хирмон-хирмон саховатин
кўрсатсин бу Бўз...

Салом сенга, шарқираган
эй, Янги Канал!
Чўлларга чоп, ҳеч қолмасин
даштларнинг пизи!
Сен бўлмасанг чўллар иши
этилмайди ҳал,

Дастурхондай очилмайдн
сахролар юзи!

Салом сенга, дунё юзин
кўрган чақалоқ!
Миллионларнинг сафларига
қўшилган Инсон!
Ўсажаксан ўз бахтингни
қувалаб қувноқ!
Идрокингдан бунёд бўлар
балки бир жаҳон!

Салом Бўздан, илҳом берган
эй Биринчи Март!
Гулбаҳорнинг гулханига
ташланган учқун!
Ҳеч қўнмасин жамолигга
зарра губор, гард!
Бру кўкни ясантирган,
шодлантирган Кун!

ТАШНАЛИК

Шеърим, сенга интизор бўлдим,
Мунча узоқ тарк этдинг мени.
Шеърим, сениз тангу тор бўлдинг,
Борлиқ аро изладим сени.

Кеча-кундуз китоб варақлаб,
Устодларга айладим таъзим.
Одамлардан сени сўроқлаб,
Одамларга кўнгил бойладим.

Аждодларни ёдимга олиб,
Боболардан сўрадим мадад.
Буюк тарих қаърида қолиб,
Армонимга тополмадим ҳад.

Навоийнинг ҳар бир байтидан
Ҳайратларим дарёдай тошди.
Ғафур Ғулом яна қайтадан
Изламоқнинг йўлини очди.

Улай, дея она тупроқин
Сирдарёни юрдим ёқалаб.

Тошкент узра Қизил Байроқнинг
Пойгоҳига қўя олдим лаб.

Водийларни, чўлларни кезиб,
Кўп фидойи қўлларни тутдим.
Юрагимни анордай эзиб,
Изинг қувиб зардоблар ютдим.

Яна келдим гул Андижонга,
Миллиард чаноқларни кўзладим.
Сирим очиб бобо деҳқонга,
Роса тўлиб-тўлиб сўзладим.

Қоқ кечада кирдим хонамга,
Жисмим ўртаб соғинч ва алам.
Териламан мушфиқ онамга,
Кутар экан жафокаш қалам.

Тонг ёришар, олам оқариб,
Юрак силқир, мисра қуюлар.
(Ижод билан ўтаман қариб!)
Меҳнаткаш шеър шеърдай туюлар.

Изинг қувиб ер-кўкда чопдим,
Умрим борки, сенга ошнаман.
Излаб-излаб ўзингни топдим,
Шеърим, яна сенга ташнаман!

..


Июль тонги эди. Файратим тошиб
Қуёшдан илгари далага чопдим.
Майдонлар оралаб, эгатлар ошиб
Биринчи гуллаган ғўзани тондим!

Ўша бир туп ғўза меҳримни олди,
Гуркираб ўсаркан интилиб кўкка.
Унга қарай-қарай ўйим чуволди,
Унинг тепасида турибман тикка.

Хаёлда намоён бўлди бир деҳқон,
Ошноқ соқолларин силкитиб елда,
Менинг қўлоғимга гапирар бийрон,
Гапирар ҳаммасин, не бўлса элда:

— Йиллар-ку, орқада қолди. Э, бўтам,
Бир кило пахтага сотилди жонлар.
Қуп бўйи, йил бўйи ишлаганда ҳам,
Қанор қоп тўлмасди, бўм-бўш хирмонлар.

Чпгит ундиролмай бўлганда хумор,
Бошимга тушганда гаврон.



Юрагим чилпарчин, меҳнатим бекор,
Шу она тунроққа қоним томчилар.

У йиллар орқада қолди. Э, бўтам,
Мен ўша деҳқонман, қадим деҳқонман.
Отангман, онангман, қадоқ қўл, ўктам,
Мен сени яратган Ўзбекистонман!

Шунда туйғуларим кучи, тўлқини
Дилга оташ солди, кинрикларда нам.
Бағримга текканда дала салқини,
Қаршимда турибди халқим жамулжам.

Кўкси тоғдай бўлиб устод Ҳамроқул,
Манипоу Мирзажон, Сатторлар шунда.
Турсупой, Турдиҳон, Тошхонлар, буткул
Пахта илмини билган, номдорлар шунда.

Далалар пахтага тўлди шу асно,
Пахтага ўралди гўё кенг олам.
Ер-кўкни янградиб келар бир садо:
«Яшасин, пахтани яратган одам!!»

Ўйларим чўёнлар, яйрайди кўнгли,
Пахтакор бўлгандан фахрим ортади.
Ўша бир тун ғўза силкиниб енгил
Ҳамиша зеҳниму меҳрим тортади!



БОҒ ЕЛЛАРИ

Боғ еллари, боғ еллари, шак еллар,
Қанотингиз юзларинин майин силар.

Сиз келганда чаманларда ҳид тарқатиб,
Гул очилар булбулларини кўп сайратиб.

Ошиқ диллар орзусига оро беринг,
Ишқ йўлига улар билан бирга юринг.

Хуш исларини тоғу тошга учирмангиз,
Эзгуликни кўланкадек кўчирмангиз.

Куйчи шонр дафтарини қўйманг ёниб,
Бир бевафо шамол бўлиб кетманг чопиб.

Малҳам бўлинг сиз меҳнаткаш эл жонига,
Минг офарин бу боғларнинг боғбонига.

Сомон ранг либосда толлар, чинорлар,
Қоматдор тераклар бўлмиш заъфарон.
Тутзорлар, ўтзорлар, чакалакзорлар —
Шипшийдам, ҳувиллаб турарлар ҳайрон.

Кўкка чаноқлардан пахта учгандай,
Оҳиста сузади оппоқ булутлар.
Турналар шошади олам кўчгандай,
Бош узра ўрлайди магрур бургутлар.

Чақ-чақларга тўлар чеки йўқ само,
Қушлар овозига жўрдир болалар.
Мунчалар сеҳринг зўр, табиат-момо!
Мунчалар гўзалдир, Она далалар!

Ҳой, қувноқ тенгдошим, бир дам қара-я,
Қуз шундай бошланиб, сўнг келар қиши!
Нимаяи ўйларкин, бу манзарага
Паришон тикилган анави киши?..

ЕШЛИГИМ, ҚАЙДАСАН?

Қишлоқда кўз очган, эй бўз болалик,
Тупроқ кўчаларда кўзи жолалик,
Бир олам армонли, зўр зуволалик
Ешлигим, қайдасан, сени соғиндим!

Узун қиш тунлари эртақ эшитган,
Сандалда тоигача қайнаб байт битган,
Эрталаб қувониб мактабга кетган
Ешлигим, қайдасан, сени соғиндим!

Тақдинг-да, галстук—байроқ парчасин,
Комсомол кўрсатди ҳаёт дарчасин.
Зеҳнингда улғайди шеър тушунчаси!
Ешлигим, қайдасан, сени соғиндим!

Мана, умрим ўтар, ҳар соат, ҳар он
Эртаги кунимни қурурман шодон!
Лек, сени қўмсайман, фақат шу армон,
Ешлигим, қайдасан, сени соғиндим!

ПАХТА ОЧИЛДИ

Мирзажон Иминовга

Август эди. Зўр майлис аро
Кўпни кўрган бир колхозчи чол,
Тажрибадан келтириб мисол,
Куз ҳақида жуда ҳам ҳалол
Сўзлаб-сўзлаб, сўнг деди хушҳол:
«Бугун, бизда пахта очилди!»
Қарсақларга тўлди ер, само!

Идорага бўлди қўнғироқ,
Телефонга югурди ошнам.
Қулоқ бўлди вужуди шу дам,
Айтган эмиш чақирган одам:
«Фалон ерда пахта очилди!»
Улар шўх-шўх гаплашди узоқ!

Ишқ ўтида бўлиб интизор,
Ингит қизга ёзганмиш хатда:
«Кўп соғиндим, ростдан, шу ҳафта,
Соғ бормисан, азизим, сафда!
Ҳа, айтгандай бизнинг тарафда
Қуни кеча пахта очилди!»
Қиз кулармиш, шодон, бахтиёр!

Ғибошида бир дугонаси,
Чопиб келиб Гулшода қизим,
Қувончидан сўзлари тизим.
«Ойи, ойи, тинглап-да, сўзим,
Роса терай, якка бир ўзим!
Бригадада пахта очилди!»
Этак тика бошлар ойис!

Тонгда юрдим далалар сари,
Кўз олдимда чексиз майдонлар!
Шай турадир, қизлар, ўғлонлар!
Не-не чапдаст, зўр қаҳрамонлар!
Гўё ундар фурсатлар, онлар:
«Чаман бўлиб пахта очилди!»
Дала кўрки — меҳнат самари!

Ҳосил мўлдир, яша, эй, деҳқон!
Бу йил хирмон юксак бўлади!
Ундан ойини тутсак бўлади!
Аммо ердан терсак бўлади!
Мамлакатга берсак бўлади!
Қани, дўстлар, пахта очилди!
Теримга шай жон Ўзбекистон!!

ЗАРКЕНТ МАНЗАРАСИ

Заркент — сўлим макон, тоғлар қўйнида.

Заркент эмиб ётар тола-тола сой.

Заркент — бир гулчамбар дарё бўйнида.

Заркент — Наманганда ботмай қолган ой!

Қиёли кафтада бир түп сада бор,
 Шохларида гўё кўн йилдан губор.
 Қишлоққа термилмиш унинг эрмаги.
 Менга эшитилди шундай эртаги:
 Бағримда бор эди сирли бир уя,
 Босмачи аталган, мастланган туя —
 Чўқдию ҳирслари тўқилди ишқон.
 Гул битган айланам ишратгоҳ, зиндон.
 Қантардек сўйилди буида ботирлар,
 Дорда қолганларини эл-юрт хотирлар.
 Ҳурлар, париларини тирик кўмдилар,
 Ям-яшил баргларим қонга чўмдилар.
 Тўрт ёнда туради қишлоқлар лак-лак,
 Мисли тўртга бўлиб кесилган юрак.
 Бироқ, бўрон қучди еру самони!
 Ойдан туғилганда йўқсил замони!
 Аждарини асраган эртаю кечин —
 Бутоқларим сииди, бўлди чилпарчин.
 Қуридим, энди мен бир гуноҳкор чол,
 Не-не умрларга бўлдим-да завол...

Қиёли кафтада ҳорғини сада бор,
 Шохларида қолмиш йиллардан губор.

НУРХОН ҚУШИҒИ

*Марғилонда
биринчи ўзбек актрисаси
Нурхон Йўлдошхўжаевага
ҳайкал қўйилди.*

Турналар ўйнаб учар Марғилон осмонида,
Тош бўлиб термиламан катта боғ майдонида.

Покиза бўлди шаҳар, сунурдим сочим билан,
Қипригим соқчи эрур масканим айвонида.

Кечалар ойни тутиб боқаман кўзгу дебон,
Қундузи қалбим ёнур бул қўёш ошёнида.

Сайрамоқ аҳдим эди, кесдилар найдек тилим,
Айтилғиз: «Бечора қиз кетди, армонида!..»

Розиман, ўртоқларим, қолдилар умрим бўлиб,
Ҳам улар дурдонадир санъатим уммонида!

Қўй, шоир, сўзлатма кўп, барча элни йиғлатиб,
Мен дедим, бор ишқимиз Марғилон Нурхонида.

•

ЗАМОН ВА ДЕҲҚОН ШОИР СУҲБАТИ

ЗАМОН:

«Шоир, вақтинг ўтмоқда, умринг бекор кетмоқда,
Юрагингни оловга ташласанг-чи, эй, ўғлон!
Бир руҳият яратсин, сендаги бурро забон!
Қаламинг кароматини янги авлод кутмоқда!

Шоир, вақтинг ўтмоқда, умринг бекор кетмоқда,
Илҳомингни шамоллар қанотида учирма!
Туйгулар асл бўлсин, ҳеч бўлмасин кўчирма!
Бепарвосан, ўзининг мени ҳайрон этмоқда!

Шоир, вақтинг ўтмоқда, умринг бекор кетмоқда,
Иқбол қушини тўрини, жўрам, қўлларингга ол!
Сен ижод бўстонида ўзгача йўлларни сол!
Қўлоғимга ғамларинг сас-садоси етмоқда!..»

ШОИР:

«Марказий Фарғонада мнинг бир боғ бино қилдим,
Қундан-қунга, ойдан ой, унутилмас зафарлар!
Вўза баргига қараб шеър ўқийман саҳарлар!
Қалам тутган қўл билан пахтаин дунё қилдим!

Гулга бўлган ишқимини бердим азиз тупроққа,
Бир сиқим тупроқдадир энг муқаддас Буюклик!
Унда унган ҳар гилёҳ гўзалликдек суюклик!
Ундан айру ҳеч қачон кетолмайман узоққа!»

БИЗНИНГ ОЙ ҚИЗЛАР

Қонли уруш гирдобида бизнинг ой қизлар,
Даста гулдай баланд тутиб қиш-қизил байроқ,
Ўзбекистон истиқболини этиб ярқироқ, —
Қўрай десанг, боқ, мардликнинг китобига боқ,
Берлингача ёшни қувиб қолдирди излар!

Қонли уруш гирдобида бизнинг ой қизлар,
Қиприкларин қиприк эмас, найза билганлар,
Қилич ушлаб ғанимларининг бағрини тилганлар,
Қурашларда тарих билмас мардлик қилганлар!
Ғалабанинг маънасини кўрган у кўзлар!

Қонли уруш гирдобида бизнинг ой қизлар,
Ёрларига сақлаганлар садоқат, ҳаё!
Улар — Зебо! Улар — Доно, Раъно, Осё!
Улар билан гўзал эрур бу кўҳна дунё!
Нозларига ҳавас қилур ойлар, юлдузлар!

Қонли уруш гирдобида бизнинг ой қизлар,
Мангуликдай кўз олдимда турарлар кушод.
Ёлга тушар унутилган уруш, хотирот..
Улар борки, хонадонлар, эл-юртлар обод!
Уларга минг ташаккурлар, эйг эзгу сўзлар!

ИНТИЗОРЛИК

Юрагимда қайнаб севги илҳомлари,
Ўртанурман интизорлик оқшомлари.

Боғ кезаман ҳеч сизмасдан бу оламга,
Меҳрим тортмас ҳатто гуллар саломлари.

Қулоғимга майин еллар қанотида
Чалипади айрилиқнинг мақомлари.

Билганимда бу йўлларга кирмас эдим,
Бўлмас экан ошнқларнинг оромлари.

Ишқ қийнасин, майли дўстлар, бу ҳам бўлса,
Ҳар кишига табиатнинг инъомлари.

Юрагимда қайнар севги илҳомлари,
Ўртанурман интизорлик айёмлари...

ТУВАҚ ГУЛ

Бу йил куз хонамга қўйдим тувақ гул,
Парвариш айладим, боғладим кўнгил.
Кундан-кун оҳиста бўй чўзарди ул,
Ташвишим, раббатим, ул бўлди буткул,
Гул эсмоқ, ҳидламоқ мушкул экан, бия,
Дунёда гулпараст менмикан фақат?

Ташқарида қишдир: совуқ қор-бўрон,
Зўр сукут сақларди гул ила гулдон,
Қуёш йўқ! Булбул йўқ! Тувақ гул бежон...
Барглари нимяшил, тани заъфарон...
Ғунчалар лабланди бир кун ногирон,
Бахтсиз ниҳол чекди қанча машаққат!

Қадимги қизлардек ҳарам тутқуни,
Ҳижронда қолмасин умриг мазмуни.
Эркин, озод гулнинг бўлинг мафтуни,
Юракдан ҳис этинг, билингиз шунини:
Баҳорда боғларда ўстиринг ушш!
Дўстлар, гул жонига қилингиз шафқат!

Тонгга яқин шеър битди!
Шонр ёзди кечалаб,
Қалбини ўтга қалаб,
Ишга кетди эрталаб.

Тонгга яқин шеър битди!
Елпнар узун терак..
Унга нима ҳам керак?
Пайқадими теварак?

Тонгга яқин шеър битди!
Юлдузлар сўнган замон,
Қуёш чиқди бағри қон,
Табиат бунга ҳайрон,

Тонгга яқин шеър битди!
Илҳом чарчади, толди.
Қалб оҳиста тин олди.
Қалам ёнбошлаб қолди.

НИҲОЛЛАР

Оқ шеър

Пўл бўйида бир зўр қайрағоч
Аввал баҳор кесилиб кетди.
Илдиридан ушиб чиқдилар
Эҳ-ҳе қанча жажжи ниҳоллар,
Апа, улар майин тебранар,
Ўсмоқ,
Ўсмоқ,

Ўсмоқ дардида.

Қайирмангиз уларин еллар,
Қўндирмангиз баргига ғубор.
Тепасидан қуймасин жала,
Бошларидан кетмасин қуён!
Не ажабки,

келиб бир айём

Тўлдирсалар дунёнинг багрин,
Улугликни дилига туйган
Бир бегуноҳ, шу кичкиналар...

Қиш бўйи орзиқиб кутардим унн,
Кела қол, дер эдим зору интизор.
Омадим бор экап, ажаб шу кунн,
Шу саҳар олисдан кўринди баҳор.

Шу замон ланг очиб қўйдим деразам,
Хонамга лиқ тўлди ёруғ, сўлим тонг!
Жисмим деиғизда тўлқинлар зам-зам,
Қаламим тилида жарангдор оҳанг.

Ел бўлиб гувуллаб юрди ёнимда,
Тувак гул шохида ўйланди бирпас.
Жамолин кўз-кўзлаб хонадонимда,
Қизларим ҳуснига қиларди ҳавас.

Ёгдудек югуриб чиқди ташқари,
Борлиқни кулдирди қуёшга боқиб.
Тупроққа сипиғиди симоб сингари,
Гиёҳ бош кўтарди жонига ёқиб.

Қуш янглиғ дарахтга бориб қўнганда,
Нозик новдаларни безади куртак.

Гулларнинг шоҳида гунча унганди,
Мавжудот бағрида уйғонди истак.

У ғайрат бўлди-ю, далага чоңди,
Трактор рулини ушлади дарров.
Қатта ер бошида деҳқонни топди,
Дошқозон қурилди, кўк чой ва палов...

Қирларга тўш урди майсалар юмшоқ,
Қўй-қўзи наъраси яйловни тутди.
Унинг етагида сапоқсиз булоқ
Бир чирой таратиб боғлардан ўтди.

Ва яна хонамга кирди отилиб,
Шеъримга термилди меҳнаткаш каби.
Мишнатдор бўламан, у шоир билиб,
Шеъримни ўқирди пичирлаб лаби.

Нурли кун бошланди, қўшни тарафдан
Қутлуғ сумалакнинг таралди бўйи.
Жала шаррос қуйди недир сабабдан,
Энди авжга мишар Навбаҳор тўйи!

Марҳабо, эй, азиз қалбим хумори,
Улуғ муждаларинг мана, қўлимда!
Кучга тўл! Гувулла, юртим баҳори!
Бахтин пойандоз қил юрган йўлимда!

Ул эртак сўйлади кўзларида ёш,
Тоғлар чўққисинда ой ҳам эшитди.
Булбуллар котибдай гулларга битди,
Чшпорлар эгилди қиллолмай бардош.

Ул эртак сўйлади кўзларида ёш,
Поёненз боглар ҳам тинглади соқини.
Дарёда бир лаҳза тўхтади оқини,
Булутлар чайқалди айлашиб бош-бош.

Ул эртак сўйлади кўзларида ёш,
Муҳаббат қиссаси ўқилди бир-бир.
Юракда қолмади очилмаган сир,
Ёш экан, тиймади тилнинг бевош.

Ул эртак сўйлади кўзларида ёш,
Тун бўйи хаёлга берилди олам.
Фақат сезгани йўқ, билгани йўқ ҳам,
Хў, қириниғ устида битта харсангтош!

Монумент ёнида гоз турибди чол,
Қўзлари тош узра битилган хатда
Ўтган жанг йилларин қиларди хаёл:

«Печа йиллар кечди, мана қаридим,
Қапчалар қурандим Ватаним учун.
Даҳшатли шу жангда мен ҳам бор эдим.

Мана бу, қуролдош мардона Борис,
Бу — полкдошим узоқ Арманистондан.
Улардан қолибди яхши ном, яхши из.

Сапун гора учун ул қаттол жангда
Тун бўйи олишдик, ёв мағлуб бўлди.
Ол байроқ тикладик чўққига тоғда.

Ажрадим бир оёқ, битта қўлимдан,
Жоним-ку қўзимга кўринмаган ҳеч,
Сира ҳам қўрқмадим бевақт ўлимдан.

Уруш тамом бўлди, омон қайтдим мен
Қиндик қоним томган Андижонимга.
Яша, эй садоқат, тақдир бўлдинг Сен!»

•
Монумент ёнида ғоз турибди чол,
Қўзлари тош узра битилган хатда.
Умрида илк бора йиғлар бемалол.

Қулоқлари битди, юраги урар,
Ўйлари тошади денгиз мавжидай.
Жангда олишгандай ҳансираб турар.

Одамлар, одамлар, унга қарапгиз,
У ажал қўлидан тирик қолган жон!
Унинг хизматига бугун ярапгиз!

У бизга бахт берди, саодат берди,
Тинчлик замониини айлади бунёд,
Озордан қутқазди шу она Ерни!

Монумент ёнида ғоз турибди чол,
Қўлтиқтаёгига суяниб дадил,
Буюк Ғалабани қилади хаёл.

Тонг отарда туш кўрдим бехос:
Оддий кулба. Муқимий, Фурқат
Суҳбатдамиш... кўзлари олмос...
Тинглармишман энтикиб фақат.

Тилим гапга келмасмиш, яна
Кўзларимга инон йўқмиш ҳеч!
Улар менга сўз қотгай мана:
— Сен билмайсан, туғилгансан кеч...

Шу Ватан деб, ғазал куйлаб биз
Умримизни ўтказдик тахир.
Соя мисол ажал изма-из
Қувиб юрди, қисматми, ахир?

Шу элни деб, о, куйганимиз...
Ўтиб кетдик мисли парвона.
Сенга қолди, ол, суйганимиз —
Сенга қолди азиз Фарғона!

Сўнг беркитиб бир не қўйнимга,
Ол! — дедилар. Тушунмай ёндим!

Гўё бир юк қўйиб бўйнимга, —
Тур! — дедилар, чўчиб уйғондим,

Шонрлигим улардан мерос,
Девонлари бордир қўйнимда!
Шундан Юртга эътиқод, ихлос
Қарздек турар доим бўйнимда!

АЙРИЛИҚ

Деднинг: хайр!
Дедим: тўхта?!
Деднинг: нуқта!
Дедим: сабр?

Пичирлайди туннинг лаби,
Қиз кўнглидай ҳаво юмшоқ
Ёмғир қуяр илҳом каби,
Соғинаман сени муштоқ.

Ташқарида шул манзара,
Уйга кирсам дил паришон.
Хаёл қургур сенда, қара,
Кўргим келар сени ҳар он.

Юрагимда меҳрим оқар
Дарё-дарё бўлиб сенга.
Дўст ачинар, ҳайрон боқар:
«Кўнглингни уз!» — дейди менга.

Яна айтар: «Рангинг сўлиқ,
Бас, боғлама унга илинж.
Ҳа, бошингда бор айрилиқ,
Ҳижрон номли ўткир қилич».

Йўқ! Қетмасин ишқим, ҳайҳот!
Йўқ, қолмасян қалбим қуруқ.

У бор экан ширин ҳаёт,
Шунинг учун умрим суюк...

Пичирлайди туннинг лаби,
Қўнглим каби ҳаво юмшоқ.
Ёмғир қуяр илҳом каби
Соғинаман сени муштоқ.

Гуноҳин кеч!..
Қўй...
Юзига боқ,
Қалбинг қуруқ,
Сиртинг ялтироқ бўлса ҳам,
Ке,
Ёнимда қол, де!
Ёрликкамас!
Акалик учун,
Эътиқодим,
Ҳурматим ол, де!
Ахир, йигит тўкар аччиқ ёш,
Ахир, унда
Қолмабди бардош!
Ялентирма!
Чунки, у ўғлон,
Ўғлон учун ялиниш ёмон!

Инғламсырар кўрса сенинг кўзларингда ёш.
Ғамларингдан қочади-ю, шодликка сирдош.
Қалбинг билан иноқлашар вайрон этгани,
Йўлларингга қопқон қўяр ташлаб кетгани.
Ақлинг билан ақлин ўлчаб, руҳнинг сотади.
Сўнг каллангни қовоқ, дея ерга отади.
Бу дўст эмас, душман эмас,
Жоҳил бир номард!!
Дўст-чи, қандоқ?
Баъзан берар далда, баъзан дард!!

АБУЛҚОСИМ ЛОҲУТИЙГА

Унинг умри — армон йўли, жарликлари кўп.
Унинг умри — тоғлар йўли, торликлари кўп.
Унинг шеъри — нурдан тиниқ ижод уммони!
Қалам берган, алам берган—Она Эрони!

ТУРТЛИКЛАР

* * *

Чалғузчи, шафқат қил, қилларни чертма!
Узоқ яшамоқни истайман мен ҳам...
Беаёв қозонда қалбим эритма,
Наҳотки, куйдиргай одамни одам?

* * *

Парвона чироққа урди ўзини,
Ва куйиб йиқилди ерга ноғиҳон.
У ерда ётибди очмай кўзини,
Чироқ-чи, порларди, порларди чунон.

* * *

Ўлкаласи узоқ-узоқ жим,
Бир-бирига хўп термилади.
Бу, бир достон, қай тилдалигин
Ўз бошидан ўтгап билади.

КУЗАТИШ

Тонг билан жўнаб кетдинг, мен-ку қолдим мунғайиб,
Ишқингда куйган кўнглим кетармикан соғайиб.

Сен кетдинг мен қолдим какликдай пола айлаб,
Турфа гуллар пичдан сени узгандим сайлаб.

Менга роҳат бўлмайди сенсиз бундай чаманда,
Сенсиз бир кун, бир лаҳза йилдек узун чамамда.

Бир кўз бўлиб денгизнинг мавжларига тикилдик,
Гоҳо фироқ, нозлардан яйрадик ҳам сиқилдик.

«Ай Петри»га чиққанда қўл узатдик қуёшга,
Эзгу сўзларин битдик тоғдаги асрий тошга.

Бир ойда, ҳей, ўзингга кўнглим шунча бойланди,
Воҳки, севги йўлида яна бошим айланди.

Дединг: — «Севмагил ортиқ, авайлагил ўзингни?»
Мана, эслаб ёнурман ўша оташ сўзингни.

Тонг билан жўнаб кетдинг, меҳрим тушган ёлғизим,
Сенга омад, бахт тилаб кузатиб қолдим ўзим.

Бу кун чиқиб денгиз сайрига
Сув оламини қилдим томоша.
Ихчам кема мени бағрида
Олиб юрди тўлқинлар оша.

Пўртаналар хўп келиб тобга,
Қирғоқларга сапчир бетўхтов.
Яна ўзи кириб инсофга
Жимиб, тинчиб қолади дарров.

Сўнгра яна тсбранар денгиз,
Гўё мени ухлатмоқчидай.
Ё қўйинида ғафлатда беҳис
Ухлаганда уйғотмоқчидай.

Тўхтайди-ю, яна чайқалар
Тин олмоқдан кетади чўчиб.
Сувга тўшини босиб чайкалар
Қуёш томон кетади учиб.

Қани, энди қуш бўла қолсам,
Эркин-эркин кезардим кўкда,

Илҳомларим денгиздан олсам,
Чўққиларда яшасам ўктам.

Бўлиб қолсам жонли бир қайиқ,
Одамларни ташинсам мағрур.
Гар табиат кўрса-да лойиқ,
Уммон узра бўлиб қолсам Нур.

Шундай бахтга бўлсам муяссар
Тушунсайдим денгиз тилига.
Денгиз сирин билиб, муқаррар
Англатардим Дунё элига.

Мен — одамман. Ҳаёг — денгизим,
Унда сузиб юрибман, мана.
Тарих сўқмоғида қоларман изим,
Қилармикан орзу тантана.

Оҳ, башарни кўрсам беозор,
Инғламаса дейман замонлар.
Бўлиб кетса мангу дўсту ёр —
Мамлакатлар, Юртлар, Инсонлар!

Кемам чопар. Юрагим, билмам,
Гоҳо хурсанд, гоҳида қақшар.
Бу дунёда яшамоқлик ҳам
Гўё денгиз сайринга ўхшар.

ҚОРА ДЕНГИЗГА

Қора денгиз, қора тұлқин, эй сен, қора мавж!
Тиним билмас шовқин-сурон, асрий пұртана!
Хар сония, ҳар дақиқа ғайратнингда авж!
Қирғоқнингда ўлтирибман мафтункор яна!

Сени кўриб руҳланмаган одам топилмас,
Сен мисоли бир жапғичсан, мардона бир жон!
Мағрур қалбинг ўтда куймас, тигда чопилмас!
Жаҳон ичра тимсоли йўқ ўзинг бир жаҳон!

Ўз ойнинг бор, юлдузинг бор, қуёшинг порлоқ,
Сен — мўъжиза, табиатнинг тиниқ ойнаси!
Тунда қора марваридсан, кундуз ярқироқ,
Жаҳонгашта дарёларинг сенсан онаси!

Хаёт мени сендай бўлиб олган қаърига,
У ҳам сендай безовтадир, тугёнли, бебош.
Унда умрим иелар кўрди, барн-барига
Ақлим билан, виждон билан беролдим бардош!

Ул денгизнинг наҳанглари, китлари ҳам бөр,
Илонлари, чаёнлари доим очдан-оч...

Мен уларни доғлаб-доғлаб, қолдириб зор-зор,
Тўлқинлардан-тўлқинларга отолдим қулоч!

Қора денгиз, қора тўлқин, эй сен, қора сув,
Сен — ҳаётсан! Сен — тугёнсан! Қалбинг ҳам бедоғ!
Сенда йўқдир хотиржамлик, ғафлат ва уйқу!
Шунинг учун мен ҳам сенга тутиндим ўртоқ!

ҚРИМ ОҚШОМЛАРИНИНГ БИРИДА

Оқшом чиқсам ташқарига: ой қаҳқаҳлар осмонда,
Тоғ бошида ялтирайди кундуз ёққан оппоқ қор.
Аста-секин тун ўрмалар ноёни йўқ ўрмонда,
Паёнда эса Ялта шаҳрин ясаптирар гулбаҳор.

Хў, деңизда оч тўлқинлар янчади бир-бирини,
Ва қиргоққа минг бор-минг бор урилади қамчидай,
Бўрон сувиш ҳўн эркалаб, биллиб олгач сирини,
Йироқларга қочиб қолар жафокаш алдамчидай.

Саҳаргача қушлар сайраб тонмаслар ором,
Уларнинг жўр сасидан англаганим шул фақат:
Бахтга чанқоқ оламни сўзи билан этиб ром —
Бунда Пушкин, Горькийнинг руҳи яшар тоабад!

Ана, ғунча кўз очди самодаги Зухродай,
Кечани тутиб кетди ул гулнинг ширин атри.
Чўққиларининг ичида улўғликда танҳодай
Виқор тўкар, гердаяр умри боқий «Ай Петри».

Самода пайдо бўлди оқ булут, қора булут,
Бир зумда ёмғир келди, бир зумда бевош шамол.
Бу оқшом хотирамда, сира бўлмайди унут,
Чунки, у ишва қилди бунда ўсган қиз мисол.

ТУН ЧУКАДИ ҚОРА ДЕНГИЗГА

Тун чўкади Қора денгизга,
Мен қояда тураман ёлғиз.
Пароходлар девкор бўйнига
Тақиб олган бесаноқ фонус.

Тун чўкади Қора денгизга,
Ялта порлаб турар ой каби.
Қирғоқларни уриб эркалар
Тўлқинларнинг қилпичдай лаби.

Тун чўкади Қора денгизга,
Юрагимда қайнайди ғурур.
Тоғу тошлар киради тилга,
Хаёлларим бўрондай учқур.

Тун чўкади Қора денгизга,
Сув қўйнида зўр ҳаёт жўшар.
Оқ кўпиклар тикланса тоғдай,
Оқ нахтамиз ёдимга тушар.

Тун чўкади Қора денгизга,
Мен қояда турибман ёлғиз.
Тўлқинлардан чиқиб келди, о,
Илҳом номли бир париваш қиз.

МУНДАРИЖА

Баҳор яқин	3
Она сўзи	5
Эртақларим — шеърим, куйларим	7
«Қайсар тўлқин тиним билмайдн...»	9
Сўнгги кун	10
Бўздан салом	12
Ташналик	15
Бир туп ғўза	17
Бор еллари	19
Куз манзараси	20
Ешлигим, қайдасан	21
Пахта очилди	22
Заркент манзараси	24
Сада	25
Нурхон қўшиғи	26
Замон ва деҳқон шоир суҳбати	27
Бизнинг ой қизлар	29
Интизорлик	30
Тувак гул	31
«Тонгга яқин...»	32
Нихоллар	33
Навбаҳор	34
«Ул эртақ сўйлади...»	36
Собиқ жангчи	37
Диёр меҳри	39
Айрилиқ	41

«Пичирлайди тунишиг лаби...» .	. 42
«Гуноҳни кеч...» .	. 44
«Ииғламсираб кўрса...» .	. 45
Абулқосим Лоҳутийга .	. 46
Тўртликлар	. 47

Қора денгиз шеърлари

Кузатиш	. 48
Денгиздаги сайр	. 49
Қора денгизга	. 51
Қрим оқшомларининг бирида .	. 53
Тун чўкади Қора денгизга .	. 54

На узбекском языке

ИИЗАМОВ ТУЛАН

«ГОРДОСТЬ»

Стихи

Иқтисод қилинган қоғоз ҳисобига босилди.

Редактор *Р. Абдурашидов*

Рассом *С. Лагинов, Ю. Габзалилов*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Н. Жўраева*

Қорректор *О. Турдибекова*

ИБ № 1714

Босмахонага берилди 7. 01. 81. Босишга рухсат этилди 18. 02. 81.
Р 08870 Формати 60х90 1|32. Босмахона қоғози № 1. Адабий гар-
нитура. Юқори босма. Шартли босма л. 1,875. Нашр л. 1,33.
Тиражи 5000. Заказ № 3. Баҳоси 15 т. Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кў-
часи, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Қомитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси,
Бекобод 1981 й.

Низом, Тўлан.

Ифтихор: Шеърлар.—Т. Адабиёт ва саънат нашриёти, 1981.—60 б.

«Ифтихор» шеър Тўлан Низомнинг иккинчи шеърый китоби. Бир неча йиллар бурун «Сенинг эртакларнинг» китоби чиққан эди.

Тўлан Низом Андижон область, Бўз районида яшайди. У ўз асрдошлари — давримиз қаҳрамонларининг ишларидаш илҳомланиб қалам тебратади.

Низамов, Тулан. Гордость.
Стихи.

Ўз 2

Н 70403 — 242
М 352 (04) — 80 Доп. 81 4702057020